



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

2006-yil, 14-iyul

№ 28 (3857)

ЗОМИНДА ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

Бугун сўлим Зомин туманида республика ёш ижодкорларининг анъанавий семинар-кеңашини ўз ишлари бошлади.

Кўп ҳикмат бор, Ватан, сенинг тоғларингда,
Дашту сахро ёки гулгун чоғларингда,
Бир анъоний гул ҳам бўлдим боғларингда,
Онам дедим, онамдайин буюгимсан,
Болам дедим, боламдайин суюгимсан.

Мана, ўн йилдирки, мамлакатимиз ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинар-кеңашини она-Ватан меҳри, истиқлол шукҳи, мустақиллик шарофати, юрт келажиги, навқирон авлоднинг бахти, бахтиёрлиги ҳақидаги тароватли шеърлар янграмоқда. Ўн йилдирки, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган энг истеъдодли ёш шоирлар, носирлар, драматург ва адабиётшунос-мунаққидлар Зомин анжуманида устозлардан сабоқ олиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган Зомин семинар-кеңашининг илк қалдирғочлари бугун юрт қорига ярайдиган, халқ хизматиغا фидойий бўлган ижодкорлар бўлиб етишилди. Кўплари Зулфия номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлди, китоблари чоп

этилди, сахна асарлари намойиш этилди. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан ёш ижодкорларга яратиб берилган имкониятнинг, уларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг самарасидир.

Бугун Зоминда "Биз Президент фарзандларимиз" шиори остида ўнинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Александр Файнберг, Махмуд Тоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмадхон Мелибоев, танкили шоирлар Сирожиддин Сайид, Минхожиддин Мирзо, Умида Абдуазимова, адиблар Хурийдустмуҳаммад, Собир Унар, Луқмон Бурixon назм,

насм, драматургия, бадий публицистика, таржима, адабий танқид кенгашлари бўлибгина ҳолда бир неча кун давомида ёшлар билан машғулотлар олиб бордилар. Семинар-кеңашининг фаол иштирокчиларига ҳомий ташкилотларнинг совринлари топширилади ва улар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этиладилар.

Семинар-кеңашининг барча иштирокчиларига ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Аваз ЭРМАТОВ



ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ижодий изланишлардан, турмуш иқир-чиқирларидан бироз холи қолган вақтларимизда одамлар орасида ёки шаҳарнинг кўча-хйбонларида кезишни хуш кўраман. Аслида касбим тақозоси ҳам шунини талаб этади. Чунки актёр қанчалик кўп одамлар ичиде бўлса, фикр доираси шунчалик кенгайди, ўзи учун қутилмаган кашфиётларга йўл очади.

Мени бир ижодкор ва фуқаро сифатида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари ҳайрат солади. Узоққа бормай, биргина пойтахт қиёфасида юз бераётган ўзгаришларни олайлик. Кейинги ўн йил мобайнида кўприқсозлик борасида қандай катта ишлар амалга оширилди. Жаҳон андозаларига мос, текис, раво йўл ва кўприқлардан ҳар сафар ўтганимизда бахри дилим очилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг қайта таъмирланган биносига келганимизда эса Президентимизнинг санъат ва санъаткорларга қанчалар катта эътибор бераётганлиги кўнгилдан ўтади. Санъат аҳлининг мустақиллик йилларида мунтазам рағбатлантириб келинаётгани ҳам бу соҳага гамхўрликнинг намунасидир. Шуларни ўйлар эканман, Президентимиз "Ҳеч нарса миллатни дунёга спорт ва санъатчилик тез машҳур қила олмайди", деб айтганларида нақадар ҳақ эканиликларига имон келтираман.

Бу йил ҳам пойтахтимизда бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти. Айниқса, мустақиллик майдонидеги ўзгаришлар одамга ихлом бағишлайди. Бу майдон кўз ўнгимизда янада, яшариб борапти. Ҳозир мазкур майдонда қурилаётган фавворалар нафақат шу жойнинг, балки пойтахтимизнинг ҳуснига ҳусн қўшишига ишонаман. Уйлабманки, бу каби бунёдкорлик ишлари мустақиллигимизнинг 15 йиллигига муносиб тўхфа бўлади.

Истиклолимиз санъаткорлар учун очган эркинлик ҳам бениҳоя катта имкониятлар қалитини кўлимизга тутақлади. Айниқса, театр санъатида илгари қўрилмаган катта ўзгаришлар юз берди. Бошқа барча театрлар қатори бизнинг Абдор Хидоят номидаги театр ҳаммаси учун ҳам жаҳон сахналарига кенг йўл очилди. Театримиз тарихида биринчи бор "Майсаранинг иши" спектакли билан Германияга борганимизни, Франция ва Бошқа Европа давлатларида ижодий сафарларда бўлганимизни эсласам, қалбим фахр-ифтихор туйғулари билан тўлади. Булар шунчаки чет элда бўлиб, томоша кўрсатиб келиш эмас, балки ўзбекистон кимлигини, санъатининг қудратини жаҳонга кўз-кўз қилишдир.

Мустақиллик йилларида ижодий фаолиятимизда чукр из қолдирган Исқандар, Отелло каби образларни сахнага олиб чиқдим, бадий ва видеофилмларда турли роллар ижро этдим. Энг муҳими, "Ўзбекистон халқ артисти" унвонига сазовор бўлдим. Буларнинг ҳаммасини назарда тутиб, бемалол мустақиллик мени кашф қилди, деб айтишга ҳақлиман.

Айни дамда кўнгилдан "Мен мустақилликка нима беролдим?" деган савол ҳам кечади. Бу борада халқимиз кўнгилга йўл топа оладиган образлар яратиш, жамиятимизни қорига ярайдиган қомил фарзандлар тарбиялаш ва шоғирлар тайёрлаш асосий бурчим деб биламан. Назаримда, ҳаммамизнинг ниятимиз ҳам муштарак. Муштарак дийримизнинг гуллаб-яшнаши, жаҳонда ўз ўрни ва овозига эга бўлиши йўлида фуқароларимизнинг ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.



Элёр НОСИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

СОҒЛОМ ПОЙДЕВОР

Жамият ва миллатнинг истиқболи, шубҳасиз, янги, ўсиб келаётган авлод тарбияси, унинг соғлом турмуш тарзига боғлиқ. Соғлом ва маънавий баркамол авлод ҳақида жамият ривожига боғлиқ ҳар қандай муҳим вазифаларни бажаришга қодир бўлади. Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабқ Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни бутун қоралар билан ривожлантиришга, болалар ва ўсмирларни оммавий спортга кенг жалб этишга, ҳусусан, миллий спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарориде эса болаларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни қўллаб-қувватлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш ҳамда ёш авлоднинг спорт мусобақаларига ўзбекистон жалб этиш билан боғлиқ асосий вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу қарорда ўз ифодасини тогган вазифалар ҳамда Президентимизнинг бу борадаги аниқ кўрсатмаларини бажариш, энг аввало, ёшларда ватанпарварлик, истиқлол ҳоғларига садоқат руҳини тарбиялаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш, катта спортга ҳақиқатан тайёрлаш, таълим тизимидаги ўқувчи-ёшлар орасида истеъдодли спортчилар сонини кўпайтиришни талаб этади.

Шуни эътироф этиш зарурки, мамлакатимизда бундай муҳим ва масъулиятли вазифани бажариш учун зарур бўлган барча имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда республикамизда ёшларимизнинг оммавий спорт турларида бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш доирасиде 51 миңдан ортиқ турли хил спорт иншоотлари — ўйингоҳлар, спорт заллари, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг даярли барчаси замонавий спорт анжумлари билан жиҳозланган, зарур шарт-шароитлар яратилган. Утган йил якунларига кўра, бугун мамлакатимизда 7 ярим миллионга яқин киши оммавий спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланиб келмоқда. Корхона ва муассасаларда, турли меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзига бўлган эътиборнинг кучайиб бораётгани, ёшлар, ўсмирлар, хотин-қизлар, ногиронлар, ўрта авлод вакиллари ўртасида ҳам турли хил мусобақаларнинг ўтказилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бундай беллашуларда кимнингдир ғолиб чиқиши эмас, жамоавларда соғлом қалб-фиятни юзага келтириш, меҳнат унмдорлигини ошириш, спорт мусобақаларини кўнгилли маданий ҳордиқ воситасига айлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ёшларни мунтазам равишда спорт тўғрисидаги жалб қилишда республикамизда фаолият юритаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари алоҳида аҳамиятга эга. Бугун мамлакат миқёсда Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ва Касаба уюшмаси кўнгилли спорт жамиятига қарашли 525 та шундай мактабларда спорт-қизиларимиз спортнинг турли соҳалари бўйича машғулотларда катнашмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги турли беллашуларда яхши натижаларга эришиб, мустақил Ўзбекистон шўҳратига шўҳрат қўшмоқдалар. Шунга қарамай, бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, чунончи, мактаб шароитида болаларни спорт тўғрисидаги жалб этишнинг умумий кўрсаткичини қоникорики деб бўлмайди. Айрим жойларда ёшларнинг ҳоҳиш ва истаклари, спортнинг у ёки бу турига мойиллиги инобатга олинмаган, шароит етарли эмас. Бизнингча, бу муҳим иш зиммаларига юкланган мутасаддилар мактаб педагоглари, маҳалла фаоллари, спорт усталари билан биргаликда бемалол иш олиб боришлари лозим. Бунда миллий урф-одатлар, қадриятлар, маҳаллий шароит, ёш спорт иштирокчиларининг мойилликлари ҳам инобатга олиниши керак. Амалда мавжуд ва янгидан барпо этилаётган спорт иншоотлари, замонавий комплекслардан умумий фойдаланиши, уларни асраб-авайлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Болалар спорт ҳаракатини ривожлантириш доирасиде янги ахборот технологияси тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, жаҳон ахборот тизимига қиритиш, зарур ўқув қўлланмалари ва дастурларини яратиш ва чоп этиш, болалар спорт йўналишида малакали мутахассислар тайёрлаш каби долзарб масалалар устида мунтазам иш олиб боришимиз даркор.

Шу билан бирга, болаларнинг спортга яроқлигини таъхислаш мониторингини тизимини шакллантириш муаммоларини ўрганиб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этишимиз ҳам зарур.

Одатда, болалар дўстлари ёки ота-оналарнинг ҳоҳишига кўра у ёки бу тўғаракка келадилар. Аслида эса бу танлов мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчисининг тавсиясига кўра ёки истиқомат жойларига яқин жойлашган БУСМларда спортнинг бирор тури билан шуғулланиши натижасида бўлиши керак.

Спортга лаёқатли болаларнинг кўпчилиги умуман спортга эътибор бермайди, сабаби улар ўзларининг қобилиятлари ҳақида маълумотга эга эмаслар. Бунинг натижасида болалар қайси спорт тури билан шуғулланишларини билмай дуч келган соҳада ҳаракат қилдилар ва тез орада кўнгилларини совиқди.

Болаларнинг спортга яроқлигини таъхислаш мониторингини тизимини шакллантириш вояга етиб келаятган навқирон ўсмирларнинг соғлом, баркамол етук шахс бўлиб тарбияланишида уларнинг саломатлиги, жисмонан тайёрлиги ва ҳаракат қобилиятларини доимий равишда назорат қилиб бориш имкониятини ҳам яратеди. Сабаби, бугунги кунда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг саломатлиги ва жисмоний тайёрлиги бўйича ҳар ўқув йилининг бошида ва якунида назорат қилинган ўтказилади, аммо таълим муассасаси жисмоний тарбия ўқитувчиси назорат натижаларини фақатгина қайдонмаларда, синф журналида ёки ўзининг ён дафтарида ҳисобга олиш билан чекланади, ҳолос.

Ёшларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, уларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини жорий қилиш — бугунги куннинг муҳим талабидир. Мамлакатимиз Президентининг бу борада кўрсататган сый-ҳаракатлари ва гамхўрлиги натижасида бугунги кунда ўғил-қизларимиз орасида спортга қизиқувчи, спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланувчилар сонини тобора ортиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин яратилган имкониятлардан янада оқилона фойдаланиши йўлга қўйилиши илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ этиш барчамизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифадир.

Еркинбой ҚУТИБАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ШОИР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон хотирасига бағишлаб кураш бўйича республика биринчи очик мусобақа турнири бўлиб ўтди.

Халқимизнинг сеvimли шоирини ёд этиб ўтказилган ушбу йилнинг тадбир эрта тонгда Гулистон шаҳридаги "Регистон" мажмуида бўлган хотира маросими билан бошланди. Пойтахт ва вилоятларимиздан ташриф буюрган ижодкорлар, полвонлар, шоирнинг мухлислари Сирдарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ана шу тадбирларнинг иштирокчилари рақиблар билан рақибликни таъхислади.

Анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда республика Миллий кураш федерацияси раҳбари Абдулла Орипов кўлаб шундай деди:

— Миллий курашимиз бугун дунё бўйлаб доврўқ қозонмоқда, номин жаҳонга машҳур полвонлар қолмоқда. Саксондан ортиқ мамлакатларда ўзбек миллий кураш федерациялари фаолият олиб бормоқда. Эндиликда ўзбек курашини жаҳон олимпиада ўйинлари қаторига қиритиш учун ҳам сый-ҳаракат қилмоқдамиз.

Атоқли шоир Тўра Сулаймон халқимиз дарди билан яшади. У миллий қадриятларимизни кўчири, иллатларга қарши курашда толмас паҳлавон эди. Шу боис ўзини ал-павлардан деб чоғларди. Яъни "Гўрўгли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён" эди. Бетақдор ижодкор сифатида Тўра Сулаймон катта обрў қозонди, мухлислар ортирди ва муҳтарам Юртбошимиз назарига тушди. Кўп асрлик қадриятларимизни улуглагани учун ҳам ушбу турнир унинг номига жуда-жуда ярашди. Қаранг, юртимизнинг барча вилоятларидан таниқли полвонлар келишибди. Гўё бутун мамлакат жамулган бунда. Мардлик ва ҳалолликни мужассам этган кураш мусобақаларида барча полвонларимизга омад ёр бўлсин, деймиз.

Хотира турнири етти вази тоифалари бўйича ўтказилди. Даст-

лаб гиламга ёш ҳакамлар ва ёш полвонлар тақлиф этилди. Улар ўртасидаги махсус соврин учун кўргазмали чиқишда тошкентлик Хусан Тўхтапўлатроғи ғолиблик қилди. Олтинчи килограмм вази тоифасидаги беллашуларда Сирдарё шаҳридан Сухроб Тоғаев ва жиззахлик Воси Ҳотамовлар беллашдилар. Улар ўртасидаги кураш мусорасида кечди ва омад жиззахлик полвонга қулиб бокди.

Олтинчи килограммлик вазида беллашган уч карра Ўзбекистон чемпиони Олимжон Равшанов (Тошкент) сирдарёлик Т. Холбековнинг курагини ерга тегишти. Етмиш уч килограммлик вазида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ҳикмат Куртов (Бухоро) сирдарёлик О. Чинниевни енгди. 81 килограммлик вазида Бахриддин Холмўминов (Тошкент шаҳри) сирдарёлик Л. Қўчимов устирида ғолиб бўлди. 90, 100 ва ундан ортиқ вази тоифаларидаги беллашулар ҳам мухлисларда катта таассурот қолдирди.


Саралаш баҳсларида зафар қўчган полвонлар финалда ўз вази тоифалари бўйича асосий соврин учун беллашдилар. Мухлислар полвонларнинг ғалабага бўлган астойдил интилишларини қўллаб-қувватлаб туришди. Зўр полвонларга омад қулиб бокди.

— Ўз вази тоифалари бўйича жиззахлик Воси Ҳотамов, тошкентлик Олимжон Равшанов, бухоролик Ҳикмат Куртов, тошкентлик Бахриддин Холмўминов, қашқадарёлик Шерали Жўраев, тошкентлик А.Йўлдошев, сурхондарёлик Давлат Чориевлар ғолиблик шохсупасидан ўрин олиб, соврин соҳиби бўлдилар, — дейди Ўзбекистон Миллий кураш федерациясининг ҳакамлар ҳайъати раиси, халқаро тоифадаги ҳакам Олимжон Ҳайитов.

Ғолибларга Фахрий ёрлик ва совринларни Ўзбекистон Миллий кураш федерацияси раиси Абдулла Орипов, вилоят ҳокими Абдураҳим Жалолов, Гулистон шаҳар ҳокими И.Эрбековлар топширдилар.

Хотира турнири доирасида Гулистон шаҳар ҳокимлиги, Сирдарё туман миллий кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон фарзандлари томонидан таъсис этилган совринлар учун ҳам қизқарли беллашулар бўлди.

М.АБДУЛЛАЕВ



“УЖЛАЁТГАН БАХТНИ УЙҒОТИНГ”

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, инсон бепарволиги туйғул қўн нарсаларни йўқотиши мумкин.

“УЗАС”нинг 9 июн сониде чоп этилган Дамин Жумақулловнинг “Ужлаётган бахтни уйғотинг” мақоласида ёзилганидек, инсон ўз вақтининг қули эмас, жилвдорли бўлиши зарур. Чунки беҳуда ўтган ҳар бир дақиқамиз қайтмайди. Ҳар бир куннинг ганиматлигини, бетақдорлигини инсон ёшлигидаёқ англаб етса ва шунга амал қилса, ёши улғайганда “Эссизгина умрим”, дея афсус чекмайди.

Афсуски, кўпчилик ёшлар, ҳатто катта ёшдагилар ҳам ўз ихтиёрларини тўлалигича вақтининг измига топширишлар. Тунларни телевизор ва компю-

тер қаршисида ўтказаятганлар тонг гўзаллигидан баҳраманд бўлолмаёптилар. Холбуки, умрининг энг гўзал фасли болалик бўлганидек, куннинг энг гўзал палласи бу тонгдир. Қадриятларимизга кўра, эрта тонгданок дарвозаларини очиб кўйилишининг ўзидеям катта ҳикмат бор.

Бахт ташқарида эмас, инсоннинг ўзиде!

Тонг ўзининг майин шабадаси билан эшиклариниздек очик қалбингизга қириб, жисмингизда ухлаб ётган бахтни уйғотди. Сиз билан бизнинг вазифамиз эса мана шу бахтни ушлаб, унда яшаб қўлишдир.

Робия АЮБОВА

Бухоро

БУГУНГИ СОНДА:

→ **МАЪНАВИЯТИМИЗ ДУРДОНАСИ 2**

→ **3 ТУНГИ МЕҲМОН**

→ **УСТОЗНИНГ ТИЛЛО ТАБАССУМЛАРИ 4**

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI —
MUNOSIBLARNI TANLASHADII

Tel: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05; Faks: 133-34-26
www.uzspb.uz e-mail: info@uzspb.uz


Хизматлар асосини таъинлаган

Диктант: янги нашр

МАЪНАВИЯТИМИЗ ДУРДОНАСИ

“Мовароуннахр” нашриётида “Куръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси” нашр этилди.

Инсон маънавиятини юксалтирувчи ва уни қомиллик сари ундовчи бундай муборақ китобнинг таржима муаллифи Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли Қўқондий (Мавлавий хожи Хиндистоний)дир. Бу қомусий олим диндорларни таъбиқ ва таъзиққа олиш авжа чиккан ўта қалти даврларда яшаган (1892 — 1989). Бир эмас, икки мартаба шўроларнинг қамқоқ жазоларини ҳам табиқ кўришига тўғри келган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашқан жароҳатланган, фронт ортидаги меҳнат лагерига юборилган. Шўро тузуми илмилардан ҳаммиша хавфсиз қилди. У улуг зот урушдан сўнг йигирма беш йил Сибирга сургун қилинди. Унинг биргина айби — олимлик, эскича хат-саводи мукамаллиги, она тарихимиз, динларимиз тарихи, ўтмиш ҳақиқатларини асл манбалар орқали ўқиб билганлиги, маърифатпарварлиги, бошқача айтганда “кўзи очиклиги” да эди.



ҚУРЪОНИ КАРИМ оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси

Қамқондан қайтганидан сўнг ҳам Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли умрининг катта қисмини яшаш жойини тез-тез ўзгартириб туриш билан ўтказди. Мудом хавф-хатар ичида яшаб илм билан шуғулланди, изланди, шогирдлар еттиштирди. Шунча таъзиқлар остида бўлса ҳам, роҳат-фароғатда яшаб илм ижод билан шуғулланганлардан кўра кўп ва кўп иш қилди. Савобли ва хайрли ниятларни рўёбга чиқаришга улгурди. Унинг кўп йиллик изланишлари ва машаққатли меҳнати самараси бўлган “Куръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси” бунинг исботидир.

Ушбу ноёб китоб қўлёмаси — араб ёзувидаги матни таъбиқ қилиб, қирил ёзувида нашрга тайёрлаган Сайфиддин Сайфуллох ўз сўзбосида Куръони каримнинг юртимизда рўёбга чиқарилган таржима ва тафсириларни ҳақиқат кўйидаги муҳим маълумотларни келтирган: “XVII-XVIII асрларда номаълум олим Куръони ўзбек тилига таржима ва тафсир қилган. Қарши шаҳридан топилган бу нодир манбаининг оғидан урта Осий тафсири” деб юритилиб, Узбекистон Фанлар академияси Шабқистонлик илмий-тадқиқот институти қўлёмалар хазинасида асраб келинади.

Шу ўринда биз Куръони каримнинг шўролар даврида, аниқроғи, 1988-1989 йиллар орасида амалга оширилган ва қўлёма ҳолида тарқалиб, чоп бўлмаган кўп нодир таржимаси ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз. Ҳар бири беш борадан иборат бўлган олти жилдлик бу китоб “Баёнлу Куръон фи таржиматул Фурқон” деб аталган. Ушбу қўлёма муаллифи ўтган асрда ўрта Осий миқёсида энг улуг алломалардан бири сифатида тан олинган Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли Қўқондий (Мавлавий хожи Хиндистоний)дир. Устозининг мазкур китоби халқ орасида “Тафсири Хиндистоний” номи билан машҳур бўлса-да, аслида Куръон оятларининг маънавий изоҳли таржимасидир.

Эътиборли жойи шундаки, хозир ўзининг 2700 йиллигини нишонлашда тараддул кўраётган Қарши шаҳрида таъридан муаллифи номаълум тафсир ва таржимани ҳисобга олмасак, Қўқондий (Хиндистоний) домла Куръони каримни машҳур аллома Олтинхон Тўрадан сўнг иккинчи бўлиб ўзбек тилига (араб алиф-

босида) ўргинган. Бу ишга қиршмоқдан аввал ўзидан олдинги таржималарни пухта ўрганиб чиққан. Олтинхон Тўра қаламга мансуб 2400 саҳифалик ниҳоятда пишиқ ва пухта таржиманинг тил ва услуби илмий руҳда бўлгани боис уни ҳар бир ўқувчи, хусусан, ёшлар ўқиб-ўрганишида бироз мушкуллик тугилган. Шу жиҳатини ҳисобга олган Қўқондий (Хиндистоний) домла таржимани анча ихчамлаштирган ва соддалаштирган. Уни кенг халқ орасига мулжаллаган.

Мазкур ишни амалга ошириш вақтида домла анча кесиб қолган эди. Шу боисдан у зот Куръони карим таржимасини шогирдларига айтиб туриб ёздирган. Шу сабаб баъзи жумлаларда, гап қурилишда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Котиблик қилган шогирдлар Қўқон, Андижон ва Намангандан бўлгани боис қўлёмада мазкур ҳудудларнинг шевалари ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам таржима муаллифи китобни қайта қўздан кечириб, уни яна тўлдириб, ягона услуб ва тил қоидаларига мувофиқлаштириб тартиб беришни режалаштирган. Аммо умр бевафоллик қилиб, бу ишни амалга ошира олмаганлар. Шогирдларнинг хотирлашича, домла боқий дунёга кетар чоғида “Китобини халққа содда ва тушунарли қилиб етказинлар”, деб васият қилган эканлар.

Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида Сайфиддин Сайфуллох Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли Қўқондий вақсиятига тўла амал қилди. У нашрнинг пухта бўлиши учун қўлёманни юртимиз олимларининг нашр этилган тафсири ва таржималари ҳамда Аҳмад Исмоил Саббонининг арабий, Хусайн Воиз Кошифийнинг форсий ва Хасан Таҳсиннинг туркий тафсири билан қиёслаб ўрганди. Бугунги кун ўқувчисининг диди ва саводхонлигини инобатга олиб, мутаржим тузган жумлалар, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар, ёлмошлар ва боғловчиларни имкон қадар ҳозирги тил қоидаларига мувофиқлаштиришга ҳаракат қилди ва уларнинг асл маъноларини ҳам сақлаб қолди.

Олимнинг таъкидлашича, китобнинг хатоси тўғрисида бўлса керак, айрим сўзлар таржима матнидан тушиб қолган. Бу оятлар маъноси таржимасини қиёслаб ўрганиш жараёнида тушиб қолган сўзлар ё қавс ичида ёки тўғридан-тўғри матн таркибига олова қилиб берилган. Шунингдек, қўлёмада бир неча оятлар тушиб қолгани ҳам аниқланган. Жумладан, “Анъом” сурасининг 122-оятининг “Ана шундай, кофирларга ҳар бир иш амалларини қиройли қилиб кўрсатиб қўйдик” ва шу каби бошқа яна бир неча оятлар таркибиде бўлган жумлалар таржима қўлимни ўз ўрнига қўйилгани ҳам ибратлидир.

Бинобарин, бу муборақ китобни нашрга тайёрлаган олим икки йил давомиде мазкур тадқиқотга жуда катта меҳнат сарфлаган, тинимсиз ўқиб-изланган ва боғловларимиз таъбири билан айтганда, сизу бизни маънолар хазинаси қаттида дуру гавҳарлардан баҳраманд этиш мақсадида билим дарёсига шўнган. Изланувчан олим Сайфиддин Сайфуллох: “Бу эзгу ниҳоят жаноби Оллоҳнинг марҳамати билан эришдим”, дейди. Қўлимиздаги китоб бунинг ёрқин далилидир. Бу ноёб хазинадан қанчалик баҳра олиш эса ҳар биримизнинг ғайрат-шижватимиз ва имон-этиқодимизга боғлиқ.

Дамин ЖУМАКУЛОВ

Кинорежиссёрлар Юсуф Розиков, Нозим Аббосов, Собир Назармухамедов, Қамара Камолова, Зулфидор Мусоқов каби ижодкорларнинг кейинги йилларда яратган бир қатор асарлари миллий ва халқаро кинофестивалларда турли совринларга эга бўлганлиги билангина эмас, балки мустақиллик йилларида ўзбек киносида юзага келган бадиий-услубий изланишларнинг самарали натижаси сифатида ҳам эътибор қозонди. Куйида сўз юритмоқчи бўлганимиз икки филм ҳам миллий киносанъатимизда янги бадиий услубларнинг вужудга келганлигидан хушхабар бераётганга ўхшайди. Бу асарларнинг эстетик савияси турлича. Лекин режиссёрларнинг изланиши, янги ифода воситаларини қўллаши, бадиий умумлашмаларга келиш жараёни бир-бирига ўхшаш.

Қамара Камолованинг аксарият филмлари композициясида поэтик асос ҳаммиша устун бўлиб келган. Унинг навабдаги “Йўл бўлсин” бадиий-поэтик филмининг поэзияга қиёслаш мумкин. Филм пластика ва мусиканинг ҳаммаҳаллигига йўрилган. Гузаллик, покизалик, сабр-бардош, муҳаббат ва алданиш бўлгани боис унинг таъсирий ечимини “Йўл бўлсин” филмининг мазмунига сингдириб юборилган. Киночилар орасида оммабоп филм билан асл санъат асари ҳақида баҳс-мунозара юради. Асл санъатга тегишли асарларни оддий томошабин тушуниши қийин кечиши табиий ҳол саналади. Аммо Қамара Камолованинг филми ўша асл санъатнинг барча тамойилларига жавоб бериб, унда сўздан кўра мусика, мажозий ифодалар, пластик ҳаракатлар устун турса-да, бу филм фақат тор доирадаги томошабинлар учунгина эмас. Уни тушуниш осон ва зақки. Икки ёш бир-бирини севдилади — телбаларча, Махжун ва Лайли каби. Иккиси Юсуф сиёмо — гузал, чиройли. Қулдилар, йўналишлар, қовушдилар, она заминнинг барча гузалликларига каби табиатга сингиб кетдилар. Аммо ой юзми қизнинг позиса туйғулари сароб бўлиб чиқди, ишонгани, суйгани, “яккаю-яғонам” деб билгани уни алдди, ташлаб кетди. Қиз гунча каби кўзга яқин эди, алданган сўлиди-қолди. Ҳақиқатан ҳам ўзганда. Кўзи ожиз отасининг умид шамчиروي эди. Қалавининг ипи узилди. Анқироғи, буну ўзи, сезмайди, истамайди узди. Опаси, жигарбанди, энг яқини, сирдоши синглисини фол очтирди. Эвоҳ, энди буниси ортиқча — у хомилдор экан...”

“Йўл бўлсин”нинг мазмуни шу тариха ривожланиб борар экан, моҳияти кўнглингизга сизиб қирқангдек ёки ундан сизиб чиққангдек ранг-баранг туйғулари силсиласига қоришади. Назаримизда бу филмдаги қўшиқлар образ сифатида кинофилмнинг мусиқий-драматургик қурилишига сингиб кетган. Аксарият филмларнинг маълум бир кадрларида беэзақ бўлиб иштирок этаётган мусика


“Йўл бўлсин”нинг бошидан охиригача сюжетнинг ечими сифатида хизмат қилди. Бугина эмас, филмининг ҳар бир кадри ва лавҳаси йўлғули мушоҳадалар умумлашмасига йўрилган. Фоллоршунис Шомирза Турдимовнинг сценарий-сосида суратга олинган филмда услубий изланишлар, янги мажозий ифода воситалари ва халқ урф-одатларига ҳаммаҳан бўлган, баъзи одатларга нисбатан эса ним истеҳзо, ним қочирим ва яна сўз билан таърифлаш қийин, ҳис этишгина мумкин бўлган нималардир топилган.

Бир қарашда филм сюжетни жуда оддий. Одатдагидек, алданган қиз тақдирини... Аммо бу сюжетнинг бадиий ифодасида режиссёрнинг ҳам, сценарийнависнинг ҳам ёш йигит-қизларга, ота-оналарга, умуман одамларга айтар сўзлари янгича. Бечора қизнинг қалб тугёнлари, йигит хонадонининг эса

мизда. Бунга сабаб, Асқад Мухторнинг бадиий тафаккури махсули бўлган бош қаҳрамон асарда салбий образ сифатида ифодаланган. Гарчи, бугунги бадиий ижод тамойиллари инсон руҳиятини барча қирралари билан акс эттириш хусусиятини ёқласа-да, “Кўргулик” сюжетиде кечаги нормативларнинг баъзи қўриқилари ҳам учрайди.

Бадиий асар билан филмни қиёсий таҳлил этиш ниҳоятде эмасмиз. Биз учун ўтган аср кинобони психологиясига мосланган асарни замонамиз киносанъати адаптация қилиши жараёни қизиқарли туюлди. Филм қаҳрамони четдан қараганда болаларни яхши кўрувчи, уларга ҳаммиша конфетлар улашиб юрувчи қиёфада кўринади. Аммо у ўз

Шахсий мушоҳадалар



талқинда намоён бўлади. Лекин филм дебосида иккала сирдошнинг дилдорлигидан ҳаётдан умид узилари ва бир-бирларига ўз сирларини ишонилари томошабинда ишончсизлик уйғотиши мумкин. Бизнингча, режиссёр сирни айтишгача булган вақтни бироз кенгайтириши ёки диалоглар қурилмасини тушунарлироқ тузиши керакмиди...

Филмда яна бир гуноҳкор инсон — Малика образи ҳам бор. Бу уч қаҳрамоннинг виждон азобида қийналиши саҳналари нозик кинематографик ифода воситалари ёрдамида бир-бирига қиё қилинган. Актёрлар Элёр Носиров, Жавоҳир Зокиров, Дилором Эгамбердиеваларнинг маҳорати ва уларга берилган имконият тўғрисида филмнинг ўзида уч инсоннинг руҳий кечинмалари изтиробли чехра ва гўё бир-бирдан “сиримни айтиб қўйма” дегандек илтижо тўла нигоҳлар билан ифодаланади. Албатта, бу филмнинг гоёсини кенроқ ёритиш ҳам мумкин эди. Шундай бўлса-да, инсон руҳиятининг қирраларидан бирини ёритишда филм режиссёри Аюб Шаҳобиддиннинг ўзига хос фалсафий қарашлари кўринади. Лекин “Кўргулик” филмининг драматургик қурилиши тўғрисида филм учун етарли эмас, назаримизда. Чунки асар фатрасининг сунат намойиш этиб борилиши ва баъзи ўринларда драматургик юкка эга бўлмаган кадрларнинг учраши филм композициясининг ўринсиз қўзилишига олиб келгандек фикр уйғотади.

Немис файласуфи Кантнинг фикрича, ҳақиқий санъат асари учун тасаввур, ақл-идрок ҳамда дид ва руҳ уйғунлиги муҳимдир. Яқин ўтмиш сабоқлари эса бу фикрни тўлдириб, ижодкорнинг руҳий эркинлиги ижоднинг муҳим омилли эканлигини далолат берибди. Зеро, сўз юритилган филмларнинг эстетик савияси ва жанри бир-бирдан тубдан фарқ қилса-да, ҳаётнинг қарама-қарши қурилишларини акс эттириш билан бирга, кинофилмдаги воқеаларга ўзининг бирёқлама муносабатини таъкидлаш урфи “Йўл бўлсин”, “Кўргулик” филмларида йўқ. Бу эса замонамизнинг ўзига хослигидандир, албатта.

Шоҳида ЭШОНБОЕВА

ИЖОДДА РУҲ ЭРКИНЛИГИ

Ўзини оқлаш учун кўрсатган томошалари ўзига хос акс этган.

Сценарий муаллифи Шомирза Турдимов, режиссёр Қамара Камолова, оператор Рифкат Ибрагимовларнинг иштейдодли актёрлар ансамбли кўмагида суратга олинган “Йўл бўлсин” филми муҳаббатда чучук хикमत яширин. Миллий қадриятларимиз акс этган бу киноасар, албатта, халқаро кинофестивалларда иштирок этишини ва унинг “босган излари гўл бўлишини” истаб қоламиз.

Режиссёрнинг ижодий эркинлиги унинг асариде ҳам бевосита ўз аксини топиши даврининг ўзига хослиги билан белгиланса ажаб эмас. Ҳар ҳолда кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддиннинг суратга олган “Кўргулик” филмида жудди шунга яқин хусусият сезилди. Филм ёзувчи Асқад Мухторнинг “Фано ва баҳо” асари асосида яратилган бўлиб, ўтган асрнинг иккинчи ярмида ёзилган кинематографик экранга қиёсий жараёни режиссёр Аюб Шаҳобиддиннинг ва сценарий муаллифи Жажонгир Қосимов, Навруза Бийназовалар учун осон кечмаган, назарини эсимизда тутишимиз керак.



“Йўл бўлсин”нинг мазмуни шу тариха ривожланиб борар экан, моҳияти кўнглингизга сизиб қирқангдек ёки ундан сизиб чиққангдек ранг-баранг туйғулари силсиласига қоришади.

АНДИША ҲАМ БОР БЎЛСИН-ДА...

Яна бир мисол: Бундан икки йиллар бурун миллий пазандалик мавзусида бир неча мақолалар ёзиб беришимни илтимос қилишди. Ёзиб бердим. Яқини “Шарқ эиқори” китоб дўқониде пештахтани беэзаб турган бир ноёб албом-китобга кўзим тушиб, беҳитиёр уни варақладим. “Миллий энциклопедия” нашриёти тамғаси билан чет элда чоп этилган экан. Полиграфия ижроси жиҳатидан хозирги замон китобат санъатининг олди намуна асари бўлган бу мўъжиза нашр “Ўзбек пазандалик санъати” деб аталади. Аста варақласам, мен ёзиб берган “Мехмондорчилик” сарлавҳали мақола ҳам бор. Ҳаммаси жойида. Аммо муаллифлар рўйхатида йўқми...

Шундай, бировчи катта, бировчи кичик, бировчи кўз, бировчи қош дейсан, истихоло қилсан, инсоний андишага борсан. Ўзбекчилик дейсан ва фақир киши панада, ағор бўлиб қолаверсан...

Маҳмуд САТТОРОВ

Одатда иш билан йўл юрсам, радионинг қулгоғини бураб қўяман. Бир эшиттириш атоқли тарихчи адиб Мирқарим Осим ижодида бағишланди. Айтиш кераки, эшиттиришда адиб ижодининг моҳияти, ёшларга сат билан тингловчига етказиб, эшитганини қойил қолдириб. Бироқ фойдаланилган манба ҳақида лом-ним демади. Радионинг бошқа каналларида ҳам адибнинг 80 йиллигига бағишланган 1987 йили чоп этилган “Карвон йўлларида” китобига мен ёзган “Мозий сабоқлари” сўзбоши — мақоладан олдинди. Аммо эшиттириш муаллифи ушбу муаллифлик эшиттириши сўғида мазкур китобдан фойдаланганини эслатмай, менинг ижодимни куппа-кундуз куну ўзлаштириб юборди.

Радиоканаллардан бирида қизқарли эшиттиришлар уюштирадиган Зайнаббегим деган муҳаррир қизимиз она тили хазинасидан иборат идиомаларга 10-15 минутлик вақт ажратиб, каминининг “Ўзбекнинг гапи қизик” китобидан бир бобни жуда нафос

қилиб берди. “Мозий сабоқлари” сўзбоши — мақоладан олдинди. Аммо эшиттириш муаллифи ушбу муаллифлик эшиттириши сўғида мазкур китобдан фойдаланганини эслатмай, менинг ижодимни куппа-кундуз куну ўзлаштириб юборди.

Радиоканаллардан бирида қизқарли эшиттиришлар уюштирадиган Зайнаббегим деган муҳаррир қизимиз она тили хазинасидан иборат идиомаларга 10-15 минутлик вақт ажратиб, каминининг “Ўзбекнинг гапи қизик” китобидан бир бобни жуда нафос

қилиб берди. “Мозий сабоқлари” сўзбоши — мақоладан олдинди. Аммо эшиттириш муаллифи ушбу муаллифлик эшиттириши сўғида мазкур китобдан фойдаланганини эслатмай, менинг ижодимни куппа-кундуз куну ўзлаштириб юборди.

Радиоканаллардан бирида қизқарли эшиттиришлар уюштирадиган Зайнаббегим деган муҳаррир қизимиз она тили хазинасидан иборат идиомаларга 10-15 минутлик вақт ажратиб, каминининг “Ўзбекнинг гапи қизик” китобидан бир бобни жуда нафос

Гулзода ХИДИРОВА

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазири ва, Республика ўқувчилар саройи ҳамкорлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида “Осиё тароналари” халқаро болалар фестивали ўтказилди. Фестивал доирасида “Тароналар камалаги”, “Энг зукко элчи” танловлари бўлди. Фестивал иштирокчилари давлат Санъат музейига саёҳат қилдилар, республика “Байналмилал” миллий-маданий марказида, “Дўстлик” марказида қабул қилидилар.

Фестивалнинг хорижлик меҳмонлари Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, пойтахт Тошкент, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳарларига саёҳат қилдилар.

Маданий ҳаёт

Яқинда Каттақўрғон туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги “Зарафшон” халқ дастаси ва “Орзу” театр-студияси қатнашчилари “Ватан яғонадир, Ватан биттадир” деб номланган адабий мусиқали томошани саҳналаштиришди. Айни кунларда мазкур томоша Каттақўрғон туман ва шаҳри саҳналарида муваффақиятли намойиш этилмоқда.

— Бу чиқишларимиз аҳоли ўртасида маънавий-тарбиявий тарғибот-таъшиқот ишларини жонлантириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида олиб боришмоқда. — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Илҳом Файзиёв.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган “Ватан яғонадир, Ватан биттадир” томошасини саҳналаштиришда Абдуҳажим Нурувватов, Ҳадиша Шарипова, Ҳайдар Завқиевларнинг изланишлари беқиёс.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

ТАҲРИРИЯТДАН:

“Куръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси” ҳақидаги мақолани нашрга тайёрлаётиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”нинг 1992 йил 14 ва 21 август сонларида эълон қилинган “Мулла Хиндистонийнинг бошдан кечирганлари” сарлавҳали рисолини эсладик. Мазкур таржима ҳол Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли Қўқондий (Мавлавий хожи Хиндистоний)нинг ўз оғиздан мағнит тасмасига ёзиб олинган ва у зотнинг фарзандлари Убайдулло Мухаммадхон ўғли томонидан тақдим этилган. Уламоий киром мулла Камол ўғли Саримсоққон кунт билан оққа кўчириб, таҳририятимизга йўллаган бу рисола ижодкор зийлиларимиз ва исломий илм ахллари ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.

Таржиман ҳол бундай бошланган: “... Каминна аҳқорул ибод Мухаммадхон Ҳожимулло Рустам ўғиллари сана 1310 ҳижрий мувофиқ 1892 мелодийда Қўқон музофотига қарашли Чорбоқ қишлоғида Ҳўжа Мухаммад Вали мазорларига яқин ушбу қишлоқда туғулиб тарбия топгандурман. Қишлоқимизнинг ҳикоя қилишларича, Қўқон ва Самарқандда таҳсил улум қилган эканлар. Марҳум фақих эрдилар...”

Авалл Қўқон, Бухоро, Мозори Шариф ва Жалолободда, сўнгра Хиндистоннинг Ажмир шаҳрида (Хиндистоний нисбасини қабул қилганлари шунга ишора) дин илмини пухта ўзлаштирган, падали бузуқворини тасодифан Ажмирда учратиб Ҳаж зибратига олиб боришга муваффақ бўлган бу зотнинг илм йўлида чеккан рибозларини, эътиқодда собитлиги ҳар жиҳатдан ибратлидир. Бир муддат Тошкентдаги Қўқондор мадрасасида ҳам устозлар ҳузуриде бўлган Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли Қўқондий узоқ саргузаштлардан сўнг 1929 йили она юртига қайтиб келиб онла қуради, турли жойларда меҳнат қилади. Шўроларнинг маҳаллий тўраларига ёқмай қамқоқларда ўтириб чи-

қади. Уша таҳликали йилларда ҳатто мўқим яшашига ҳам имкон бўлмади. Иккинчи жаҳон урушида қатнашганидан кейин ҳам тўрт ярим йил қамқоқ азобини тортди ва ниҳоят окланиб чиқишга муваффақ бўлди. Душанбе шаҳрида Фанлар академиясида таржима ишлари билан шуғулланади. Қарийб юз ёшни қоралаб қолган кезлари умр буйи олган илмини жамлаб Куръони каримни изоҳлари билан таржима қилишга бел боғлайди.

“Мулла Хиндистонийнинг бошдан кечирганлари” рисоласи муносабати билан газетамизнинг 1993 йил 11 июн сониде босилган Ҳожи Сайфиддин Жалилнинг “Ҳожи Хиндистонийнинг соғиниб” сарлавҳали мақоласида айтилишича, араб, форс, урду ва пушту тилларини мукамал билган Шайх Мухаммадхон мулло Рустам ўғли Қўқондий кўплаб қўлёмалар устида тадқиқот ишларини олиб борган.

Ҳожи Сайфиддин Жалил мақоласидаги ушбу фикрлар ҳам “Куръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси” муаллифи ҳақида биланганларимизни “Ҳожи Хиндистонийнинг виждони пок, имони бут, асаблари мустаҳкам инсон эдилар. 1990 йилнинг қузида у кишининг ўз йиллиги бўлиши керак эди. Бу тантанга бутун Ўрта Осийда у кишини биладиғанлар ҳозирлик кўрмоқда эдилар. Афсус, Ҳожи отамиз бу издиҳомга саноқлик кунлар қолганда ҳаётдан кўз юмдилар. У зотнинг жанозаси икки юз минг киши қатнашган ўзига хос “тантана”га айланган кетди. Жасадлари, ўз васиталарига биноан, Душанбеда биринчи имом-хатиб қилиб тайинланган Ҳожа Яъқуб масжидининг кўз ташланмайдиган бир кунжига дафи этилди...”

Захматқаш алломанинг пок ният билан бошлаган улуг иши рўёбга чиқиб, истиқлолнингнинг ўн беш йиллиги арафасида “Куръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси” нашр этилгани маънавий ҳаётимиздаги эзгу ишлардан яна бир нишонандир.

Босма оммавий ахборот воситалари учун республика танлови

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳудудий босма нашрлар учун 10000000 сўм мақдорига фақисиз заём бериш бўйича танлов эълон қилади. Танловда таҳририят ёки нашрлар, мулкчилик ва таъкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг юридик мақомига эга бўлган барча вилоят ва туманлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган босма оммавий ахборот воситалари иштирок этишлари мумкин.


Танлов навууси: Танловга босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни таъбиқ этиш кўзда тутилган бизнес-режалар қабул қилинади. Танлов яқуни бўйича жамоат фонди билан голиблар ўртасида шартнома тузилади.

Танловни ўтказиш тартиби ва муоассати: Танлов ҳақида республика оммавий ахборот воситаларида эълон бериш 2006 йил 24 июнганча; Буортмаларни қабул қилиш муддати — 2006 йил 7 август, соат 17.00 гача; Эксперт кенгаши йиғилишида буортмалар берилган конвертларнинг очилиши — 2006 йил 10 августда, Тошкент шаҳрида; Эксперт кенгаши томонидан лойиҳаларни қўриб чиқиш ва баҳолаш — 2006 йил 11-23 августда; Эксперт кенгаши йиғилишида голибларни аниқлаш бўйича овоз бериш — 2006 йил 24 августда.

Буортмаларни таънаб олишнинг асосий мезонлари: 1. Тақдим этилган бизнес-режаларнинг босма оммавий ах-

Мулоқот учун телефон (факс): 144-12-51

Тошпўлат АХМАД



ГУЛ БЎЛГАЛИ КЕЛГАНМАН

Юртим, сенинг боғинга, Жаннатдай кучоғинга, Инай деб ёноғинга, Гул бўлгали келганман.

Хизматингга бел боғлаб, Ками-кўстинг сўроғлаб, Мехру сехринг ардоқлаб, "Кул" бўлгали келганман.

Дўсту ёрдан ўргилай, Елкамин тутуб турай, Улар ўтсин уринмай, Йул бўлгали келганман.

Халқим — номусу орим, Виждоним, ифтихорим, То абад мадаждорим — Қўл бўлгали келганман.

Гиёҳ унсин қўзимда, Зиё унсин қўзимдан. Ўргилай нон-тузиндан — Чўл бўлгали келганман.

Донг чиқармас якка от, Одам одамга қанот. Янаси деб бу ҳаёт — Мўл бўлгали келганман.

Бахт учун, иқбол учун, Буюк Истиқлол учун, Ёнай истиқлол учун — Кул бўлгали келганман.

Юртим, сенинг боғинга Гул бўлгали келганман.

ИШҚНИ АСРА

Кимнинг элда хурмати бор, Йўларига ёғмайди қор.

ИШҚНИ АСРА

ЎЙЛАМАГАЙ

Сахродан эсанг шамол сочларинг силамагай, Самода кезган Ҳилол ўқ узсанг қуламагай.

Кимки салом бермаса, кутмасин аликин ҳам, Беҳадлар қалбига ҳеч ким қалб уламагай.

Бахиялни бармоғини қачон тутибди Ҳизр, Беймоннинг боғига ҳатто қуш йўламагай.

Бу ҳаётда меҳрга зор юрганлар кам эмас, Фарзандин хор этганин тақдир ҳам сийламагай.

Тиниб оққан булоқдай дилинг тоза бўлмаса, Ҳар қанча мансабдор бўл, эл шонинг сўйламагай.

Юртинг — ўлан тўшагинг, ҳар лаҳза унга бош қўй, Ватансизнинг ҳолига ҳеч кимса йингламагай.

Сенга аён, Аҳмадий, ўзгалар ҳам ёд этсин, Ким халқин ўйламоса, халқ уни ўйламагай.

ЁМОНСАН, АЙРИЛИҚ...

Армонни етаклаб келасан гоҳи, Ҳижронни етаклаб келасан гоҳи, Фигонни етаклаб келасан гоҳи, Бунча беомонсан, айрилиқ!

Отамни, онамни ютиб кетдинг-а, Қанча дўст-ошнамини ютиб кетдинг-а, Жигарин поралаб, ситиб кетдинг-а, Аждарсан, илонсан, айрилиқ!

Дастингдан баъзида музлаб қолгай дил, Илвираб, шалвираб, бўзлаб қолгай дил, Ўзинг тўзим бер деб, сўзлаб қолгай дил, Бедин, беомонсан, айрилиқ!

Ҳеч ким кутмаса ҳам келаверасан, Бетақлиф, шамолдай елаверасан, Барчани доминга илаверасан, Ёмондан ёмонсан, айрилиқ!

Барча айрилиққа мумкин дош бермоқ, Лек... буюк фожиа — юртдан айрилмоқ, Ҳеч бошга тушмасин бундайнин фиरोқ, Ёмондан ёмонсан, айрилиқ!

Шеърят инсон туйғуларини гўзал бадий тасвир воситалари ёрдамида оҳангдор мисраларда тасвирлашди. Кўпчилик одатланиб қолган ушбу таъриф баъзида бир оз китобий туюлади кишига. Зотан, ўқувчилар ҳамиша ҳам нафис сўзларни, оҳорли ташбеҳларни эстетик эҳтиёж сифатида қабул қилишавермайдилар. Улар шеърда ўз ҳаётларини, ўзларини кўришни истаб қолишди. Бунинг учун шеърнинг ўзи ҳаётнинг жонли инъикоси бўлиши зарур.

Етар, тинч кўй қизил гулларни, Гўзал бўлса, айбдорим улар. Қизил гуллар шеърингни эмас, Ёмгирларни кутаётгандир.

Ҳори Авазининг ушбу сатрларида шеър инсонга сув ва ҳаво каби даркор бўлиши ҳақида фикр юритилди. Демак, ўқувчи дилига малҳам бўлмаган шеър унутилишга маҳкумдир. Қашқадарлик шоир Хусанжон Амин Фузорийнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида (2005) чоп этилган "Бу дунё ўзи хайрон" сайланмасини ўқиганда шеър, инсон, ҳаёт ҳақида ана шундай фикрлар хаёлимиздан ўтди.

Умр ўтар тала-тўп, Манзил сари шошамиз.

ҲАЁТИЙЛИК МЕЗОНИ

Ҳаёт мисли дарёдир — Тўлкинлаиб тошамиз.

Ўзан қолар яланиб, Бағрида тоши билан. Умр ўтар таланиб Шашқатор ёши билан.

Умр мазмуни, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Бу — адабиётдаги бош мавзулардан биридир. Бироқ гап мавзуга ижодкорнинг қандай ёндашганида. Хусанжон Амин Фузорий ушбу шеърда халқона оҳангда ўз фикрини изхор этгани диққатни тортади. "Умр — оқар дарё" деган ҳикматли иборадан фойдаланиб, ўзига хос ташбеҳлар битди шоир. Бунда танланган тимсолнинг фикрни аниқ ва лўнда ифодалагани хизмат қилгани муҳимдир.


Кўзлари юмилиб эшилганда Оҳанг сехридан маст муганний ўзи Борлиқни бир нафас унтар гўё — Ҳар нола аслида юракнинг сўзи...

Сўз санъати ҳамиша халқ, жамият дард-ташвишларини, давр муаммоларидан боғ уради, унинг мазмун-мундарижаси, гоъвий-бадий муддаоси ҳис-туйғуларимизга вобаста. Хусанжон Амин Фузорий шеърини ҳам бундан мустасно эмас. "Муस्ताқиллик мадҳияси", "Бир юртим бор", "Фурур", "Қашқадарём, ўргилай", "Алпомш тўйи бу", "Амир Темурга илтижо", "Она юртим", "Фарз", "Тароват", "Ўзбекистон — жаннатдир" сингари асарларда истиқлол ва истиқболнинг тарануми эътилоди.

Хусанжон Амин Фузорий сайланмасининг иккинчи "Наср" қисмидан "Қисмат" ва "Қолганлар яшайверадил" номли қиссалари жой олган бўлиб, улар ҳаётимизнинг долзарб муаммоларига бағишланган соф миллий руҳдаги қиссалардир. Ҳар иккала асарнинг қаҳрамонлари хулқ-атвори, феъл-қарашлари, юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари билан китобхонда катта таассурот қолдиради. "Қисмат"даги Нурилла Маҳмудов ижтимоий фаол, маърифатли, ҳалол инсон. Унга қарама-қарши ўлароқ Норбўта Сайфиёв мол-мулкка ружу қўйган, ялтоқ, ҳушомадгўй кимсаки, у ўз атрофида Турғун (Тош), Зиддулла, Турғун, Сотволди каби гумашталари билан тил бириктириб, турли хил жинойтларни содир қилади. Норбўта Сайфиёвнинг юқори мансабдаги таянч-суюнчиги Салим Аминов ҳам қиссада эсда қолган даражада гавдалантирилган.

Ҳар иккала қиссада ҳам жамият ва қонун муаммоси ишонарли ўз очинини топган. Ёзувчи ўз хулосаларини ҳуқуқий мантиққа асосланиб чиқарган. Қиссаларда чин инсонийлик матлаби, виждон, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби юксак инсоний фазилатлар шарафланиб, ҳақсизлик, адолатсизлик қораланади. Муҳими, Хусанжон Амин Фузорий на-срда ҳам маҳорат билан қалам тебратишга муваффақ бўлган.

Азиз ЮНУСОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз, Исроил МИРЗАЕВ, СамДУ фахрий профессори



ИЖОДИЙ СУҲБАТ

молу давлатини йўқ ёрдан қизганиди. Ўзича алланималар дейди. Мерос талаш бошланган кўларига келди-ю, лекин орасидан ҳайкади.

Аёл иш билан бўлиб, тундаги воқеани ҳам, дахлизда уйқуни ураётган кимсани ҳам унутган экан, ўқоққа ўтин қалаётган бирдан эсига тушиб қолди. Шовиб уй томон ўрди. Бироқ дахлизда ҳеч ким йўқ, қалин кўрпа бир четга чиройли қилиб тахлаб қўйилганди.

Аёлнинг кўнглида хижолатга ўхшаш нимадир уйғонди. Юрагинг ёрилмай, одамга ўхшаб кутиб олсанг ўлармидинг! Акадай бир одам эди-ку у сенга! Яқинда томингни ёпиб берган... Эсида, ўшанда Қиличбек деганларни ҳарчанд зўрласа-да, пул олманган, лекин бурчдаги каттакон кўғирчоқни сўраб олган. Аёл хайрон бўлган. Биладики, Қиличбекнинг қизи йўқ, бақирок, жанжалкаш хотини Тўлғонидан иккита ўғли бор. Унинг ажабланганини сезган эркак кунботидаги шаҳар томонга ишора қилиб: "У ёқда меннинг қизларим кўп. Буни олиб борсан, хурсанд бўлишадил" деганди.

Қиличбек ғирт етим. Шаҳардаги болалар уйида воёга етган. Бўйи етгач,

Унинг ёш боладай жонсарак эрига раҳми келади. Қани энди қўлдан келса-ю, ундан яшилгини аямаса. Аммо яшиллик қилиш у йўлаганчалик осон иш эмас экан. Кеча тунда уйига қочиб кирганида, дардига малҳам бўлиш ўрнига милтик ўқталиб ўтирибди. Энди билса, эркакдан эмас, гап-сўздан қўрққан экан.

Бугун тунда у негадир эркакни кўмсади. Кечатида айвонда тунашини истади. Тонгда туйган хиддан нафас олиш учун дахлизга чиқди. Бироқ тонгда хонани тўлдирган эркак хиддан дарак йўқ, ачиган хамир иси анқирди, холос.

Аёл маҳзун ҳолатда хонага қайтиб кираркан, иштиёридач ташқари бир ишга қўл ўрди. Дахлизга қалин қилиб шўи солди. Янги кўрпа, янги болиш қўйди. Эшикни тамбалашни гўё унутган киши бўлди. Лекин милтигини биқинидан жилдирмади. Ахир милтиқни ундан олиб қўймоқчи бўлган ҳудуд но-зирига уни "эрим, тунги посбоним", деган-да. Демак, эр дегани хотини эшикнинг қаватида, биқингисидида тиши керак. Худуд нозира яхши йигит эди, уни тушунган. "Лекин қонунини бузганман-да, опахон", деган. Аёл уни эркакка елкасига қоқаркан: "Опанг учун қонунини бузсанг, бузбсан-да, уақхон, — дея аламонк жилмайган. — Тунда мендай ёлғиз бир аёлга эрдай гапда бўй! Ёмон ниятда остонамни хатлаган одамни нима билан чўчитаман? Шунини ўқталиб қўрқитаман-да!"

Аёл тунда зийрак ётди, алланимани кутгандай, илҳақ ётди. Қани энди, ҳоқиро нигоҳи эркак яна бир тунгига дахлизда тунаса, яланг шолча устиди эмас, қалин тўшакда ухласа, уйини эркак хидига тўлдирса! У шунини истади. Бундан ортинги хаёлига келтирмади.

Тонгда эса боши гўглаб, қаракат уйғонди. Дахлиздаги тўшакни бўш қўриб, хўрлиги келди. Қўзига ёш айланди ва бу ҳолатдан ўзи ҳам ажабланди. Тенг та бўлган шекили, деган ўйга борди. Лекин негадир тенг та бўлгиси келди. Бироқ қўрадаги томдек тарил сизгири бунга изи бермади. Мўраб овоз берди. Унга бошқа жониворлар жўр бўлди.

У кўра томон ошиқди. Яхшиям иш бор — юмуш бор дея суюнди. Шунинг билан эркакнинг, ўй ва истақлариниям унутди. Одатдагидек, ишга шўнғиди.

Бу кеча эса ўзини ёмон қаради. Кеча тундаги хоҳиш ва ҳаёллари бугун жуда эриш туюлиб, ўзига ўзи тўхмат қилди: "Эрсирмай ўл, мегажин!" Бунга қаноат этмай, оппоқ, бўлиқ сонларини аймақ чимчилаб-чимчилаб олди. Оғриқдан жони роҳат топди. Шу йўсинда истагига чек қўйган бўлди. Бу тун дахлизга жой солмади. Эшикни очиб қолдириди. Бироқ яроғини ёнига қўйиб, тўшакда чўзилган ерида яна бирдан ўрнидан сакраб туриб кетди. Ички бир тўлқинга бўйсиниб, тахмон ёнига борди.

Кўрпа қатига қўлини тикчанча узок туриб қолди. Сўнг шалвираб изига қайтаркан, ерда ётган милтиққа, қоқилиб, бармоғини қайдириб олди. Оғриқ миясига тегди. Бармоғини тутиб, тўшак устиди тўлганаркан, истамаса-да, негадир тагин эркакни ўйлади: "У шўрлик яна қувянгиз учраса, бу совуқ тунда қайси тешikka бошини уради?" Аёл оғриқини унутган, шўй заптида эшикка югурди. Авал илгачки тўрибди, сўнгра тамба-тўтиқ орасига қостирилган йўғон ўқловани суғуриб олди. Кейин эса фикридан қайтиб қолишдан қўрққандай, энтиканча ўзини кўрпа тагига ўрди.

ТУНГИ МЕҲМОН

Ота-онаси эслатилган Чаманойнинг кўзларида ўш айлана бошлади. Қўлидаги яроғини беватан пастга тушираркан, кутилмаганда ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

— Йиғлама, Чаманой! — деди ҳануз кўриниш беришига ботинолмаётган "меҳмон". — Ҳозир чиқиб кетаман. Соғувада қотиб ёки анову жоҳилларнинг калтагидан ўлсам ҳам майли! Фақат сен йиғлама! Йиғласанг, кетишим қийин бўлади.

Аммо аёлнинг қўлига гап кирмасди. Ота-онасини кўмсаб йиғида давом этди. Йиғлай-йиғлай... мадордан кетди. Тонгда хуррак овозидан уйғониб кетди. Бошда хайрон бўлди, сўнг қўрқди. Қоронғу шифтга, тонг ёғдусидан ёришган деразага аланг-жаланг боқиб шаробарида ёнидаги милтиққа қўл чўзди. Бармоқлари муздек совуқ яроққа теккачгина, тундаги воқеа эсига тушди. Кўнгли андак хотиржам тотиб, кўрпа остидан сирғалиб чиқди. Бўйинини чўзиб, дахлизга мўраланди. Яланг шолча устиди соғувадан гўжанак бўлиб ётган кимсани кўрди. Аввалига қаҳри қўзиди, сўнг раҳми келди. Кишилар турмасдан, тезроқ жўнай қолинг дея, турткилаб ўйғотмоқчи бўлган жойида, негадир фикридан қайтди. Уйғотишга қўзи қиймади. Тахмондан кўрпа олиб, авайлаб устига ётди. Кейин қўндалик юмушига унади.

Ховлида иш дегани сероб эди. Қўрадаги молларга қараш, соғиш, тагини тозалаш каби майда-чуйда ишларнинг ўзини унинг кўп вақтини оларди. Ота-онасининг ўлимидан сўнг бу юмушлар аёлнинг ягона халоскори бўлиб қолганди. Тунлари ҳам тақ ўтирмайди. Жун титиб, ил йиғиради. Кўрпа, кўрпача қавийди. Оппоқ соқилар четира эркакка қашталар чатайди. Синглиси эса хайрон, ёлғиз бошингизга шўнча давлат не чикора, дейди. Унинг очкўзи нигоҳи аёлнинг гагини келтиради: "Эримни бой қилмоқчиман", дейди. Синглиси унинг

— Хўшомадга бало борми! — Отанг қадрдоним, онанг меҳрибоним эди, — қоронғудаги кимсаннинг овози тўлкинлаиб, нимандир эслагандай бир муддат жим қолди-да, сўнг маҳзун оҳангда яна гапда давом этди: — Қўлингдан неча марта лаб оғи инганман ота-онанг тирикчилигида. Кимилгингни яши биламан, Чаманой! Бугун нимга-га деб оғим шу томонга тортиди. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Тўқайзордан кўра, инсон меҳрини истадим шекилди. Сенга нибатан хаёлимда ёмон ўй йўқ. Тунингни тотганман ахир, Чаманой! Ёмон хаёлга бориб ўлибманми! Сен бахузур ухлайвер, мен... бирпасдан сўнг чиқиб кетаман. Қаттол душмандай менга бундай тикилма! Кўзларг тешиб юборай дегаяти!

Нормурод НОРҚОБИЛОВ



марҳум Асқат темирғича шоғирд тушиб, унинг қизи Тўлғонига уйланган. Темирғичининг қизи битта, аммо ўғиллари кўп эди. Бари бир-бирдан баттар жоҳил, нодон. Жанжални пулга сотиб олишди. Бирига тегсанг, ҳаммаси ёпирилиб келади. На уятни билишадил, на андишани. Тўлғонига ҳам оға-иниларидан қолишмайдил. Эрига зўғум қилишни яхши кўради. Етимлигини рўқаб қилиб, харомидан олиб харомига солади. Бу кам-дек, салга доллаб, ака-укаларини бошига йиғди.

